

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Архитектура» факультети

«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

Битирув малакавий иши(лойихаси)нинг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*Мавзу: СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси
таркибида флористика қурилмаси ечими*

Дипломант: 401-Д Юлдашева А

Раҳбар: Қурбонов Ш.С

«Ландшафт дизайни ва интерьер»

кафедраси мудири: Қурбонов Ш.М

Самарқанд-2017

МУНДАРИЖА

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми
3. Бадий қисми
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми
5. Экология қисми
6. Хулоса
7. Адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги кунини бугун вояга етаетган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозапарига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсоилар бўлиб улгайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, кдпбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Албатта, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, кўзда тутилган марралар, орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши учун унинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиши лозим. Фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", дея қайд этилган. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислох қилишга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг қиёфаси кўркемлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда 59 олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юр்தларининг 11 ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юр்தлариинг 6 филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва қатор ихтисослаштирилган институтлар ҳам мавжуд.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделимизнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганининг яна бир тасдиғидир. Пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россиянинг Г. Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети ва И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалларида бугун ана шундай мутахассислар тайёрланмоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари илмий тадқиқотларда фаол катнашмоқда, корхоналар буюртмалари асосида инновацион фаолият билан шурулланмоқда. Улар ўз ишланмалари билан ҳар йили юртимизнинг янги технологиялари ва илмталаб маҳсулотлари намоиш этилаётган ярмаркаларда мунтазам иштирок этаётгани бунинг яққол далилидир.


Илмий тадқиқот муассасалари билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли яқин алоқалар натижасида талабалар фундаментап тадқиқотларга тобора кенг жалб этилаётир. Бу эса ёш илмий кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳозирги кунда юртимиздаги етакчи олий ўқув юртлари ҳузурида Ўзбекистон Фанлар академияси иштирокида илм-фан, техника ва технологияларнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича илмий-ўқув-лабора-тория комплекслари ташкил этилмоқда.

**АРХИТЕКТУРАВІЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Битирув малакавий иши (лойиҳаси) мавзуси “**СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористика қурилмаси ечими**” бўлиб, улар Бош режа, фрагментлар, худуд ободонлаштирилиши ва интерьер дизайни (ёйилмалари билан) намуналари, пиктограммалар бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар турларидан флористик қурилма лойиҳалари, махсус гул туваклар ва шу каби дизайн элементларидан ташкил топган.



СамДАҚИ Бош режаси



Соғломлаштириш (Профилактория) биноси

Самарқанд архитектура-қурилиш институти ташкил қилинганига 50 йилдан ошди. Мазкур олийгоҳни битириб, халқ-хўжалигининг турли жабҳаларида архитектор, реставратор, шаҳар қурилиши, қишлоқ архитектори бўлиб ишлаётган минглаб кадрлар янги-янги қишлоқ ва посёлкаларни, шаҳарларни лойиҳалаб, уларни ҳаётда амалга оширмоқдалар. 2000 йилдан эса дизайнерлар ҳам булар қаторига қўшилди ва улар ҳам барча жабҳаларда ўзларининг олган билимларин синовдан ўтказмоқдалар.



Шу маскан ландшафтини лойиҳалаш, биноларини янада жозибали қилиб лойиҳалаш, уларни амалга оширилмасада тасаввуримиздаги ғояларни қоғозга тушириш мумкин. Балки яқин келажакда бу лойиҳаларимиз ҳаётга йўлланма берилса ажабмас.

Институт ва шу каби ўқув масканларини ландшафт лойиҳалаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда ҳар бир талаба, домла, ходим ақлий меҳнат билан шуғулланиб маданий дам олдишга вақт етишмайди. Шунинг учун ижодкор инсонларга яхши муҳит яратиш бу атроф-муҳитни кўкаламлар, декоратив дарахт, буталар, гуллар билан безаш, керакли жойларга ҳайкалтарошлик намуналаридан лойиҳалаштирилса, уларнинг фаолиятлари янада жўшқинлик касб этган бўларди. Негаки, бу ерда минглаб ёшлар ўқиш мобайнида ҳар қадамда гўзалликка дуч келса, уларнинг кайфияти янада кўтарилиб илҳом билан янада яхши лойиҳалар бажаришга қодир бўладилар.

Жамоат биноларининг таснифланиши (классификацияси)

Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари (функциялар), аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композиясининг ғоявий-бадиий тасвирланиши бўйича таснифланади.

Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг аҳамиятига, унга шаҳар кишлоқ, туман ёки микрорайон аҳолисининг еҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий-режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳа-қуриш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Бу кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий-фазовий композициянинг мақбул (оптимал) тизимлари белгиланади (ўрнатилди) ва бу тизимлардан типик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат бинолари ташқи қиёфасининг характери, уларнинг бадиий тасвири ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси ҳар хил турдаги жамоат биноларининг типологик характеристикасини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради. Иқлим шароитлари, табиат, аҳолининг турмушидаги маданий-маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди.

Юқорида баён етилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини таклиф қилиш мумкин:

- ўқув –тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша кўрсатишга мўлжалланган бинолар;
- спорт иншоотлари;
- савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари;
- маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш, профилактика бинолари.


Жамоат биноларининг асосий белгилари

Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган (театр, универмаг, стадион ва бошқалар). Шунинг учун коммуникация ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларни қутқариш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Шунга боғлиқ равишда жамоат биноларида кўндаланг ва бўйлама боғловчилар (вестибюллар, йўлаклар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар ва бошқалар)га катта эътибор қаратилади. Шунингдек, жамоат биноларининг характерли белгилардан бири, бу-кўп сонли одамларга мўлжалланган хоналар (заллар)нинг мавжудлигидир.

Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки кишлоқда марказий ҳолатни егаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир жамоат биноси тегишли вазифаларни бажариш учун мўлжалланган асосий хоналар (мактабда-синфлар, олий ўқув юртида -аудиториялар, театрда-томоша заллари, универгмагда-савдо-сотик заллари ва ҳ.к.) га ега бўлади. Асосий хоналардан ташқари, ҳар бир жамоат биноси ёрдамчи хоналар (вестибюллар, фойе, йўлаклар, зинапоялар ва бошқалар)га ҳам ега бўлади.



Алоҳида асосий ва ёрдамчи хоналарни жамоат биноларининг элементлари деб номлаш қабул қилинган. Жамоат биноларининг кўплигига ва турли-

туманлигига қарамасдан уларнинг барчаси кўплаб бир турдаги хоналарга ега бўлади, бу бир турдаги хоналар уларни умумлаштириш, гуруҳларга бўлиш, уларга умумий характеристика бериш ва лойиҳалашнинг асосий талаблари ва жиҳатларини белгилаш (ўрнатиш) имкониятини беради.

Жамоат биноларининг барча асосий ва ёрдамчи хоналарини ҳамда жойларини санаб ўтиш ва уларга таъриф бериш имкониятини тасаввур қилиш мумкин. Фақатгина лойиҳалаш амалиётида кўп учрайдиган асосий ҳамда ёрдамчи хоналар ва жойларни санаб ўтишга ва уларга таъриф беришга тўхталамиз, холос. Ёрдамчи хоналарга вестибюллар, фойелар, кўндаланг (зинаполяр, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар) боғловчилар, санитария узеллари киради.

Асосий хоналар уларнинг сонига ва бажариш вазифаларининг турлитуманлигига боғлиқ равишда кўпроқ қизиқиш уйғотадиган, катта миқдорда ташриф буюрувчиларни сиғдирадиган катта ўлчамли заллардир. Уларга қуйидагилар тааллуқдир:

- театр, кино, сирклар ва бошқа томоша муассасаларининг томоша заллари;

- кўргазмалар, музейлар, картинали галереяларнинг намоиш қилиш заллари;

- жамоат мажлиси(актовий) заллар;

- спорт билан шуғулланиш ва жисмоний тарбия заллари;

- кутубхоналарнинг ўқув заллари;

- турли вазифали савдо-сотиқ заллари;

- ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот содир бўладиган банк, жамғарма кассалари, почта, вокзал, аэропорт ва бошқа муассасалардаги операцион заллар.


Маъмурий бинолардаги (иш кабинетлари) ва ўқув юртларидаги иш хоналари (мактаблардаги синфлар ва лабораториялар, олий ўқув юртлари ва коллежлардаги аудиториялар ва чизмачилик кабинетлари) катта турлитуманликка ва кенг оммавийликка эгадир.

Вестибюллар. Жамоат биносини ташқи муҳит (кўча, майдон) билан боғлайдиган хона вестибюл деб аталади. Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари, ишчи ва хизматчилари ҳамда томоша муассасаларига ташриф буюрадиганлар ёки томошабинлар ишчи хоналарга ва томоша залларига вестибюл орқали ўтишади.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Вестибюл жамоат биносининг биринчи хонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг аҳамияти, архитектуравий жиҳатлари ҳақида маълумот



Гардеробли вестибюллар майдони юзасининг мейўри кенг диапозонда ўзгаради: ҳар бир кишига 0,25дан-0,4м² гача. Вестибюлнинг ўтказувчанлик қобилияти қанчалик кичик бўлса, унга шунчалик кўп майдон меъёрини белгилаш тақозо етилади, кичик (паст) меъёрий ўлчам оралиқларига ҳисобланган вестибюллар,

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

кўркамлик, тантаворликдан холис бўлади. Алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган жамоат бинолари вестибюллариининг майдонида зарур бўлган тантаворлик ва монументалликни яратиш учун олий меъёрий ўлчамлар бўйича ҳисоблаш тақозо етилади.

Гардеробларнинг майдони ҳар бир кишига тўғри келадиган 0,08-0,1 м² норматив юза бўйича ҳисобланади. Бу майдонга кийим осгичлар ва гардеробни ташриф буюрувчилардан ажратиб турадиган тўсиқ ортидаги ўтиш йўлакчаси жойлаштирилади.

Кийим осгичлар бир томонлама жойлаштирилган ҳолда, гардероб олдида ени 3 м. бўлган, агар икки кийим осгичлар икки томонлама жойлаштирилса, у ҳолда ени 6.м. бўлган еркин ўтиш оралиғи қолдирилади. Алоҳида гардеробларнинг



майдони ҳар бир киши учун 0.2 м². ни ташқил етиши, кийим осгичлар орасидаги ўтиш йўлакчасининг ени 0.7 м. дан ени еса 1м.дан кам бўлмаслиги лозим. Гардеробнинг мақбул енини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Вестибюл ўз жойлашиш ўрнига кўра бино хоналарини ташқи муҳит билан боғлайдиган тугун ҳисобланади. Уни бино биринчи қаватининг марказий қисмига жойлаштириш табиий ва қулайроқдир, чунки бундай жойлаштиришда ички коммуникациялар бўйича юриш масофаси қисқаради. Бинога вестибюл орқали кириш аниқ ва равшан кўриниб туриши ва тушунарли бўлиши лозим. Вестибюл олдида кенг, тантанавор зинапоя ва автомашиналарни қўйишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бинога кириш йўли қуриш кўзда тутилиши тавсия етилади. Қор ва ёмғирдан ҳимояланиш мақсадида вестибюлга кириш жойида козирёк ёки айвоннинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли вестибюлни бинога кириш жойига туташган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир ва

ҳ.к.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Агар бино катта узунликка ега бўлса ёки бир нечта мустақил қисмлардан ташқил топган бўлса, у ҳолда бинога икки ёки бир нечта вестибюл ўрнатиш мумкин. Бундай ҳолларда улардан бош вестибюлни аниқлаш ва архитектуравий-бадий воситалардан фойдаланиб, унга тегишли бўлган мос кўринишни (дизайнни) танлаш тақозо этилади.

Олий таълим муассасаларини жойлаштириш ШНК 2.07-01 шаҳар қуриш талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур. Шу билан биргаликда янги қуриладиган бино ва иншоотларни электр, сув, газ билан таъминлаш ва марказий канализация тармоқлари



манбаларига уланиш имкониятларини инобатга олинишини кўзда тутиш зарур.

4 минг ва ундан кўп талабага мўлжалланган катта олий ўқув муассасаларини ва ўзининг таркибида

катта миқдордаги махсулаштирилган объектлар, лабораториялар, конструкторлик бюрolari, клиникалар, полигонлар, тажриба участкарини қамраган майдонларни, шу билан биргаликда мажмуалик талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамма керакли объектларни шаҳарни четки ҳудудларида жойлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалик йўналиши бўйича (тажриба хўжаликлариغا ега) олий таълим муассасасини шаҳар четдаги, одатда шаҳар чегараларига тақалган зоналарда жойлаштириш керак бўлади. Олий таълим муассасасини участкаларини магистрал кўчалар билан кесишмаслиги, участкада пиёда юрувчилар ва транспорт оқими бўлиниши кўзда тутилиши зарур.

Олий таълим муассасаларининг майдон юзалари аниқ шаҳар қурилиш шартларига мувофиқ, ШНК 2.07.01 ни инобатга олган ҳолда аниқланади. Участкаларини ўраб олиш маҳаллий шароитларини инобатга олган ҳолда кўзда тутилади.

Ўқув полигонлари ва тажриба хўжаликларини ўқув юртларидан, уларни тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан бирлаштирган ҳолда алоҳида жойлаштиришга рухсат етилади. Ўқув полигонларини ишлаб чиқариш, тажриба участкалари ва бошқа махсуслаштирилган объектларни юзларини лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ технологик талаблар асосида аниқланади.

Олий ўқув муассасаларининг ер участкаларида қуйидаги: ўқув ва илмий текшириш бўлимлари, овқатланиш, савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш (соғломлаштириш-тиббий хизматлар), спорт, хўжалик-техник зоналар белгиланган (ётоқхона, ўқувчилар таркиби учун уйлар ажратган ҳолда зоналаштиришни кўзда тутиш лозим).

Насос хоналар, таъмирлаш устахоналари, гаражлар ва омборларни хўжалик зоналарида жойлаштириш зарур. Спорт зоналари одатда ўқув зоналарининг ёнида жойлашиши керак.

Олий таълим муассасаси ер участкаларини кўкаламзорлаштириш юзалари енг камида умумий майдоннинг 35% ини ташкил етиши зарур. Ўқув бинолари ва илмий-текшириш фаолияти учун бинолар магистрал кўчаларнинг тез ҳаракатланиш қисмларидан енг камида 50 м узоқлаштирилган, бошқа ҳолларда еса маҳаллий аҳамиятга ега кўчаларнинг ўтиш қисмларида енг камида 25 м узоқда бўлиши керак.

Олий ўқув муассасаларининг илмий-текшириш бўлимларини, одатда, ўқув бўлимлари билан бир мажмуада жойлаштириш тавсия етилади.

Махсуслаштирилган илмий-текшириш лабараториялари, тажриба полигонлари ва бошқа объектларни ишлаб чиқариш бинолари ва иноотларига тегишли технологик талабларига тааллуқли санитария меъёрлари ва атроф-муҳитни муҳофазалаш талабларига мувофиқ жойлаштириш зарур.

Тиббиёт олий таълим муассасалари ёнида, одатда, поликлиника ва стациянарлар корпуслари учун клиник зоналари ажратилади.

Очиқ спорт иншоотлари мажмуаларида ташқи хожатхоналар, ободонлаштирилган майдончалар, сув ичиш фонтанчалар бўлган дам олиш майдончалари ва бошқа ободонлаштириш қисмлари (електр ёритиш, тегишли копламалар, кўкламзорлаштириш, сув билан бостириш) ни кўда тутиш лозим.

Очиқ спорт иншоотларини ўқув лабораториялари, кутубхона, илмий-текшириш хоналарининг ойналари томонидан жойлаштириш тавсия етилмайди; айтиб ўтилган хоналарнинг ойналари билан спорт иншоотларининг орасидан масофа 50 метрдан кам бўлмаслиги керак. Тегишли масофани таъминлаб бўлмаган ҳолатда шовқиндан ҳимоя қилиш учун турли қурилмаларни ишлатишни, талабга жавоб берувчи чораларни ҳаракатдаги санитария ва қурилиш меъёрларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш зарур.

Ўқитувчилар учун ётоқхона, меҳмонхона ва турар жойлар умум “турар жой” зонасида, яшаш зоналарида лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ, жойлаштирилиши зарур. Ётоқхона алоҳида жойлаштирилганда унинг ўқув зодасидан узоқлиги 30 минутлик йўлни ташкил етиб, транспорт ёки пиёда юриш имконияти бўлиши керак.

Ўқув илмий-текшириш, олий таълим муассаса участкаларининг маъмурий жамоа корпусларининг охирида автотураржойлар кўзда тутилиши зарур (минг одамга 15 машина ўрин ҳисобидан талаблар, ўқитувчилар, курс тингловчилари ва бошқалар учун).

Олий таълим муассасани ўраб олинган участкасида енг камида иккита кириш жойи кўзда тутилиши зарур. Бинолар атрофида ўт ўчириш машиналари учун айланиб ўтадиган йўллар кўзда тутилиши зарур (бино деворидан 5 м нарида).

Олий таълим муассасасини шаҳар атрофи зонасида жойлаштирилишида 3 км узоқликдаги ўт ўчириш депосидан фойдаланишга имкон бўлиши зарур.

Бир неча олий таълим муассасаларни ёнма-ён жойлаштиришда, одатда, умумий турар жой ва спорт зонаси, умумий клуб,

кўргазма мажмуалари, умумий поликлиника, соғломлаштириш
мажмуасини кўзда тузиш зарур.

БАДИЙЙ ҚИСМ

Битирув малакавий иш мавзуси «СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористика қурилмасининг бадий ечими» бўлиб, бино таркибидаги махсус жойда флористик интерьер дизайни масаласи караб чиқилган.

Диплом лойиха иши:

Бош бино бош режаси, (ген план), худудий режа, хар хил усимликлар ҳамда уларнинг турлари, логотип, пиктограммалар, дам олиш жойлари, уриндиклар, интерьер, ёйилмалар, махсус флористик қурилмалар (гултуваклар) табиий ва сунъий материаллар ва шу каби ландшафт-дизайн элементларидан ташкил топади.

Битирув малакавий иш мавзуси “СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористика қурилмасининг бадий ечими” бўлиб, лойихалаш давомида ушбу объект қуриладиган жой чуқур ва обдон ўрганиб чиқилди, унинг майдони, хонаки гулларнинг турлари, декоратив ландшафт дизайни элементлари ва унга ландшафт ечим бериш учун зарур қилинадиган ишлар бажарилди.

Флористик интерьер ечимини лойихалаш жараёнида, барча архитектуравий ва ландшафт, интерьер дизайни талаблари инобатга олинган. Унинг умумий жойлашиш функциялари, бошқа хоналар ва йўлаклар билан уйғунлик даражалари, ранг ва конструкциялари, қурилиш материалларининг ҳаммаси анализ ва тадқиқот ишлари орқали бажарилган.

Битирув малакавий иш 2400x1600мм ўлчамдаги фотоқоғозда компановка қилинган бўлиб, у ўз ичига – логотип, пиктограммалар, ахборот қурилмалари вариантлари, асосий интерьер элементлари лойихаси, эмблема ва ташриф қоғозлари, топографик харита, бино бош режаси, кичик архитектура шакллари (ўриндиклар, фавворалар, ахлат қутилари, тунги ёритгичлар) ва ҳоказалардан ташкил топади.

Жамоат биноларининг ташқи ҳажм композицияларини қуришда бизга маълум марказий, фронтал, ички давомли ва эркин композицияларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари биноларнинг меъморий-бадий маънодорлигига эришиш учун симметрия, асимметрия, ритм, масштаб, масштабнинг кенглиги, пропорция, контраст, нюанс, ранг, фактура, соялар, нақшлар, хайкаллар, маҳоратли расмлар, тектоника каби меъморий композициянинг бир қатор бадий воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади.



СамДАҚИ соғломлаштириш биносида **Флористик интерьер** дизайн ечимини топишда авваламбор унинг ҳар томонлама ўлчамлари, бинонинг баландлиги ҳамда бадий жихатдан лойиҳалаш назарда тутилади.

СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористик интерьернинг ечимини топишда ранглар ва қурилиш материаллари ҳамда хонаки ўсимликлар асосий ўрин эгаллайди.

Интерьерда ранг ечими. Рангларни қабул қилишда интеллект катта роль ўйнайди. Интеллект қанча юқори бўлса, нозик, нюанс ранглари бирикмаларини хуш кўради.

Интерьерга ранг танлашда ассоциатив ранг мажмуаларидан фойдаланиш мазмунли натижа бериши мумкин. Масалан: баҳор фасли ранглари – нозик, ёруғ, илиқ, пушти ранг (шафтоли гули ранги ва ҳоказо), оромбахш, тинчлантирувчи ранглар; ёз фасли – яшил, ёруғ, иссиқ, сарғиш, кишини тинчлантирувчи, қалбни мавжлатирувчи ранглар; куз – олтин, зарғалдоқ, сарғиш иссиқ ранглар. Кишига қувноқлик, жўшқинлик бағишловчи. Қиш – совуқ, кўкиш ранглар. Кишига тинчлантирувчи, зерикарли кайфият бағишловчи кабилар.

Интерьер рангини танлашда хонанинг формаси ва баландлигини ҳамда унинг



ёруғлик даражасини ҳисобга олиш лозим

Интерьерда умумий ранг уйғунлигини яратишда, масалан, интерьернинг умумий ранги гаммасига жиҳозлар, пардалар рангларини танлашда палитрадан фойдаланиш, яъни хона ранги танланиб, унга фон сифатида бошқа ранг доғларини қўйиш билан уйғунлашган ранглар мажмуасини аниқлаш.

Интерьерда ўта ёрқин ва тўқ (масалан: қизил, ёрқин бинафша, ёрқин яшил рангларни ишлатилиши тавсия этилмайди, чунки ёрқин ранглар тез асабни чарчатади ва психик координациясини ишдан чиқаради).

Спектрда бир-биридан узоқда жойлашган ноқулай ранглар (некомфортные



цвета) (масалан ёрқин бинафша ва тўқ сариқ) асабга тегувчи таассурот кўрсатади.

Ранг тонларини ёрқинлигини пасайтиришда кулранг ёки қора ранглардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Объектнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда, турар-жой ва жамоат бинолари учун қуйиладиган талаблар ҳар доим бир хилда турмайди. Объектнинг ижтимоий мазмунининг ўзгаришига қараб тарих

давомида янги ўзгаришлар киритилиб, тулдириб борилган.

Гулли ва манзарали ўсимликлар билан интерьерни безаш. Ихтиёрий яшиллик бунёд

этишнинг (яшил қурилишнинг муҳим асоси – бу клумбалар, рабаткалар, гуруҳлар, газон (майсазор) фонидаги алоҳида ва бошқа экинлар ҳисобланади.

Лекин гулли безатишда аниқ муносабатлар ва ўлчамларга бўйсунтириш керак. Хиёбонлар, истироҳат боғлари ва кўкаламзорлаштиришнинг бошқа объектларини гулзорлар билан ўта тўлдириб юбориш рационал эмас ва ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Гулзорларни лойиҳалашда бош



тамойилга таяниш керак, яъни гулли безак берилган кўкаламзорлаштириш объектининг умумий мақсадига бўйсунтириш зарур, бунда гулзорни қандай объект олдида – маданият саройи, мемориал, хиёбон, маъмурий бинолар олдидалиги ҳисобга олинади. Бу ҳолда гулзорлар архитектура иншоотларига (монумент, бино ва ҳ.к.) диққатни жалб қилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятини ажратиш кўрсатиш керак.



Лекин бошқа мақсад ҳам бўлиши мумкин. Масалан, томошабинда (дам олувчи) гулларнинг гўзаллиги, уларнинг ранги, шакли, ҳиди, янгилиги ва такрорланмаслиги билан яхши кайфият ҳосил бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳолда уммий архитектура мақсадига безатиш бўйсунмайди, яъни тескариси, архитектура ансамбллари ва уларнинг деталлари ўсимликлар шаклининг ўзига хослигини ажратиб кўрсатади, уларга қўшилиб кетади ва ўзига хос гармония касб этади.

Партерли ва турли композицияли ранг – баранг, чиройли гулзорлар алоҳида хусусиятга эга иншоотларни безатишда ишлатилади. Жумладан, бу ишлар кўرғазмалар, маданият саройлари, ҳайкаллар, мемориаллар, музейлар, театрлар рўпарасида амалга оширилади. Гуллар ва бошқа ўсимликларнинг барча сифатларини яхши кўрсатиш учун, боғлар, хиёбонлар ва алоҳида гулзорларни кўкаламзорлаштиришда турли классик усуллардан – регуляр (геометрик, француз) ва ландшафт (инглиз) усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу усуллар тинч, шоирона муҳит ва табиатга бевосита яқинлик тасаввурини акс эттиради. | Шаҳарлар в бошқа йирик аҳоли пунктларида маданият ва дам олиш боғлари шундай ташкил қилинадик, уларда гулзорлар, газон (майсазор) лар дарахт-буталар бир нечта минтақаларда турлича мақсад ва ҳар хил кўринишда жойлашиши мумкин. Кўкаламзорлаштиришда хиёбонлар, даҳалар, махсус боғлар-розариялар, сиренгариялар, георгинариялар ва ҳоказолар ҳам катта аҳамият касб этади.

Гулзорлар ташкил қилиш – бу лойиҳалаш ва уларни амалиётда бажаришдан иборатдир. Гулзорлар лойиҳасини хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бошқа қурилишлари мўлжалланган жойдан ажратилган ҳолда амалга ошириш мумкин эмас.



Гулзор аниқ таркибий қисмларга эга: 1) турли шаклдаги гул экинлари; 2) йўлакчалар; 3) майсазор. Уларнинг классик мос тушиши, гул экини майдони, йўлакчалар ва майсазорларнинг 3:5:8

муносабати ҳисобланади. Сўнги йилларда майсазорлар учун учун кўпроқ, гуллар учун камроқ жой ажратиляпти. Объектларни кўкаламзорлаштириш турли диаметрининг фоизли муносабати ҳам мавжуд. Дарахтларга 40-50% (жанубда бир мунча кўпроқ), буталарга 10-20 % (шимолда кўпроқ), майсазорлар учун 8-18 %, гул экинларига 4-8 % ва йўлакчаларга 15-20 % жой ажратиш тавсия қилинади. Кўрсатилган элементларнинг фоизли муносабатини аниқлагандан сўнг, лойиҳалар тузилади, бунда вертикал кўкаламзорлаштириш, тошли тоғчалар, сув қурилмалари (ҳавзалар, фаворалар ва бошқалар), дам олиш ва хизмат кўрсатиш айвончалари, киоскалар, кичик архитектура шакллариининг жойлашиши ҳисобга олинади. Лойиҳалашда шунингдек, берилган объектнинг меҳмонлари сони ҳам ҳисобга олинади. Шунга кўра йўлакчаларга ажратилган майдонни кўпайтирадилар ёки камайтирадилар, кичик архитектура шакллари сони ҳисобланади. Гулзорларнинг меҳмонлари кўп бўлса, йўлакчалар эни кенгайтирилади.



Амалиётда кўкаламзорлаштириш объектининг кўйидаги ўрганиш усули ишлатилади. Кўкаламзорлаштириш учун ажратилган жойни тайёрлайдилар, режалаштирадилар, ўғит соладилар, ҳайдайдилар, бороналайдилар ва кўп йиллик бошоқли ўғитлар сепилади. Ўтлар яхши ўсиб, ўрганилгандан сўнг, устидан юришга рухсат этилади. Босилган йўлчалар келгусида ҳам йўллар тармоғи, йўлчалар, гулли безашнинг майдончалари ва элементлари (клумбалар, рабаткалар ва ҳ.к.) ни лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Чирмашувчи ўсимликлар –



асосан деворлар, айвончалар, балконларни безатиш, пергор яратиш учун ишлатилади, лекин улардан гулзорлардан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда майсазорларда карказлар ўрнатилади ва ип тортилади. Шу тариқа ўсимлик чирмаши ўсади ва вертикал деворлар, колонналар, конуслар ҳамда бошқа шакллар ҳосил қилади.

Альпинария – тошли боғ

ёки тоғча, альпфлораси қўлланилган тоғ ландшафтининг ўзига хос чиройини акс эттирувчи сувни яратилган қурилмадир. Альпинария комплексида тош ҳамда ўсимликларнинг бир йиллик, кўп йиллик ва буталари чиройли қўшилиб яхлит бир бутунлик ҳосил қилади. Альпинариялар кўпинча ландшафт стилидаги паркларда ишлатилади.

Миксбордерлар – деворлар, бинолар, баланд бўйли экинлар олдида табиий гуруҳлар кўринишида жойлашган манзарали ўсимликларнинг кўп гуруҳли ва қаторли аралаш экинзордир.

Ўсимликларни баландлик бўйича танлаш. Агар клумба марказида ҳайкал ёки бошқа меъморий қурилма бўлмаса, у ҳолда марказда баланд кўримли ўсимлик (агава, пальма ва бошқалар), марказда узоқроққа эса бўйи пастроқ клумба четларига ундан ҳам кичик бўлмаган ўсимликлар экилади. Бундай жойлаштиришда ўсимликлар бир – бирини тўсмайди, ҳатто озгина дўнг клумбалар ҳам жуда манзарали кўринади.

Ўсимликларни гуллаш вақти бўйича танлаш. Бу масалани ечишда, эрта гуллайдиган ва гуллаш муддати давомий бўлган ўсимликларни ишлатишга интилиш керак. Ўсимлик ассортименти шундай бўлсинки, клумбалар, гулли экинзорлар ва бошқа шаклларда экилган ўсимликлар икки ҳафтадан сўнг гулласин. Турли вақтда гуллашга йўл қўймаслик керак (микрсбордерлардан ташқари).

Ўсимликларни гуллар ёки барглари ранги бўйича танлаш. Турли хил ва нав ўсимликларида фақат гулларнинг тусларигина эмас, балки барглари туси ҳам турличадир. Йил – давомида – баҳорда, ёзда ва кузда тусларининг ўзгаришинига ишониб қолмасангиз ҳам бўлади. Гул бирлигини шундай танлаш керак-ки, у жуда чиройли бўлсин.

Гулларни колер бўйича танлашда қуйидагиларгатаяниш мумкин:



- 1) колерлар контрасти қонунига;
- 2) колерлар гармонияси қонунига;
- 3) нейтрал туслар аҳамияти.

**ҲАЁТӢЙ ҒАОЛИЯТ
ҲАВҒСИЗЛИГИ
ҚИСМИ**

Диплом лойиҳа иши “СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористик интерьер (қурилмаси) дизайн ечими” мавзусида бўлиб, унда Бино интерьерининг архитектуравий, меъморий режавий ва дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида интерьернинг ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда талабалар ва меҳмонларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун, хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва электр хавфсизлиги ошириш, зилзиладан ва ёнғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чоратадбирлари кўриб чиқилган.


Бинонинг шарқ тамонида омборхоналар, шимол томонида, турар жой биноси, жануб томонида ТТЖ ва ғарб томонида омборлар жойлашган.


Ҳудуднинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Меъморий-ландшафт ечимида хавонинг исиб кетиши, хавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, хавонинг тезлиги ва шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши ва ёнғингарчилик вақтида сувларнинг кетиш йўли энг муҳим ўринни эгаллайди.

Қуйида меъёрий лойиҳани тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффициент	A		200
Ер рельефининг коэффициенти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги хавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{и}$	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги хавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{с}$	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5%	U^C	м/с	6

такрорланувчанликда аниқ бўлган			
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	W_{cp}	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6





Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, зилзилага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратамиз.

ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАНГЛАРНИ ТАЪСИРИ

Бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради, яъни диққатни бир ерга жамлай олмайди..

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни қамаштирмайдиган рангда бўяш, ёритиш, мусиқа, безаш - толиқишнинг олдини олишда, рухий физиологик йуналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга буяш мақсадга мувофиқ, чунки, бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарни ускуналарини буяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил ва сариқ ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми химоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Буёқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумроқлар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга буяш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади.

ЁНГИНЛАР ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

Самарқанд шаҳри тоғга яқин ҳудудда жойлашгани учун ёмғир тез тез ёғиб туради. Ёзда эса қурғоқчилик бўлади. Шунинг учун ёмғир, ёнгин хавфсизлигини кўриб чиқамиз.

Лойиҳалаш жараёнида, улардаги меъморий ландшафт кетма-кетлиги ва иқтисодий афзаллиги билан бирга, санитария ва ёнгин хавфсизлиги масалалари, ечилиши шарт. Бунинг учун, моддий сарф-харажатни юқори даражада самарадорлигини таъминлаш ва ер ҳудудини унумли фойдаланиш билан бир каторда қуйидаги муаммоларни ечилиши зарур ҳисобланади:

- маҳаллий ландшафтни ва энг кўп такрорланадиган кучли шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;
- ёнгингарчилик кўп бўлгани учун сувни кетиш йўллари кўпайтириш;
- вазифаси нуқтаи назаридан боғ ичидаги бино ва иншоотларни ёнгин ва портлаш хавфи аломатлари бўйича алоҳида ички ҳудудларга ажратиш;
- бино ҳудудини саноат корхоналари жойлашган чегарадан санитария меъёри талабларига биноан хавфсиз масофада жойланишини таъминлаш;
- бино ва иншоотларни жойлаштиришда, ёнгин хавфсизлиги меъёрлари талаби асосида ёнгинга қарши хавфсиз ораликларни тўғри қўйилишини таъминлаш;
- бинонинг ҳудудини автомобил йўллари ва пиёдалар учун йўлкалар билан таъминлаш;
- ёнгинга қарши, ўтни ўчириш мақсадида ишлатиш учун сув таъминоти масаласини ҳал этиш.

Ёнгин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий ва маданий бойликларни йўқ қилувчи офат, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёни.

Ёнғин келиб чиқиши учун қуйидаги уч омилнинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши етарлидир. Яъни:

- ёнувчи мода (коғоз, ёғоч-тахта, нефть ва унинг маҳсулотлари);
- ёниш манбаи (гугурт, учқун, аланга);
- оксидловчи (кислород, ҳаво);

Ёнғиннинг олдини олиш уни учиритдан кура осонроқдир. Қуйида ёнғин хавфи пайдо бўлганда ва юз берганда аҳолининг ҳаракатлари қандай бўлишлиги ҳақида фикр юритамиз:

ЁНЎИН ХАВФИ ТУЎИЛГАНДА ВА СОДИР БЎЛГАНДА АҲОЛИНИНГ ҲАРАКАТИ

Ёнғингача бўлган ҳаракат:

1. Ёнғин, газ ва электрхавфсизлига риоя қилинг.
2. Ёнғин ва аланга оловчи моддалар ва буюмларни иссиқлик манбаи ёнида сақламанг.
3. Болаларни оловдан эҳтиёт бўлиб фойдаланишга ўргатинг. Гугуртни болалар қўли етмайдиган жойларда сақланг.
4. Фақат чекиш учун ажратилган ерда чекинг. Ўрнида ётиб чекиш, ёниб турган гугурт чўпини ва сигарета қолдиқларини исталган жойга ташлаш ёнғинга сабаб бўлади.
5. Электр асбобларини назоратсиз қолдирманг.
6. Олов ёқишда ёқилғи суюқликларидан фойдаланманг.
7. Қўлбола ёқилғи сақлагичларни ишлатманг .
8. Катта қувватли бир нечта электр асбобларини бир вақтда битта манбага уламанг.
9. Ювилган кийимларни газ плитаси устида қуритманг
10. Ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда гулхан ёқманг.

ЁНЎИН ВАҚТИДАГИ ҲАРАКАТ

1. Ёнғин вақтида оқилон ва ўйлаб тез ҳаракат қилинг.
2. Ўт ўчириш хизматига хабар беринг ва ёнғинни мавжуд ўт ўчириш воситалари ёрдамида ўчиришга киришинг.

3. Газ ва электр манбаини ўчири

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

4.Одамлар ва ҳайвонларни қутқаришга ҳаракат қилинг. Агар одамнинг кийимлари ёнаётган бўлса, устига мато ташлаб, ерга ётқизиб думалатинг. Тутунли хонада ерга эгилиб ҳаракат қилинг.

5.Эшик ва деразани очманг, ёнғин кучайиб кетиши мумкин.

6.Ёнаётган бинодан тезликда чиқиб кетинг, учтингизга намланган чойшаб ташлаб олинг.

7.Электр асбобларидан чиқган ёнғинни ўчиришда, аввал уни ток манбаидан узиб қўйинг.

ЁНЎИН САБАБЛАРИ

1.Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик.

2.Электр тармоқлари ва ускуналаридаги қисқа туташув, элект асбобларинининг қизиб кетиши.

3.Моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши.

4.Болаларнинг ўйинқорқлиги ва шўхлиги.

5.Хавфли табиий жараёнлар, яшин ва бошқалар.

6. Қуёш нарларининг фокуслаиш самараси.

7.Атайлаб ўт қўйишлар.

ШИКАСТЛОВЧИ ОМИЛЛАРИ

1.Заҳарли газ ва тутунларни ажралиб чиқиши.

2.Портлаш.

3.Бино ва иншоотларни қулаб тушиши.

4. Кимёвий, радиациявий зарарланиш ва бошқа фавқулодда вазиятлар.

Жадвал

Т/р	Ёнғин келтириб чиқарувчи сабаблар	Улуши, %
1	Олов ёки ёнғинга хавфли моддалар билан эътиборсиз муносабатда бўлиши	35 – 45
2	Электр ўтказгичлари ва қурилмаларининг носозлиги	20 – 25
3	Газ билан иситиш тизимларининг носозлиги	8 – 12
4	Болаларнинг шўхлиги-ўйинқароқлиги	6 – 10
5	Атайлаб ўт қўйишлар	5 - 8

6	Инженер-энергетика тизимидаги бузилишлар	5 - 8
7	Бошқа турдаги	5 – 10

Ёнғинларни тез, кенг тарқалиб кетишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;
- иншоотлар қурилишида Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда давлат стандартига риоя қилмаслик;
- ёнғин назорати, газдан фойдаланишни назорат қилиш ходимлари томонидан кўрсатилган, ёнғиннинг олдини олиш тадбирларининг бажарилмаслиги;
- фуқароларнинг ёнғин содир бўлганда ўз вазифаларини билмасликлари ва ваҳимага тушиб қолишлари;
- болаларнинг ёнғин чиқишига олиб келувчи уйинларига катталарнинг бепарволик билан қараши;
- ёнғинга қарши курашда қўлланиладиган ўчириш ва қутқариш воситаларининг етишмаслиги.

Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

- ёнғин ва портлашга хавфли бўлган барча объектларни инвентаризациялаш (корхона ёки муассасага қарашли мол-мулкни ҳисобга олиш, рўйхат қилиш), паспортлаштириш ва декларациялаштириш (керакли маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжат тузиш);
- ташкилот ва муассасаларда доимий равишда давлат махсус текширув идоралари томонидан ёнғин ва портлашнинг олдини олиш бўйича текширувлар ўтказиш, ёнғин чиқиши ва портлашларга сабаб бўлувчи камчиликларни аниқлаш, зудлик билан бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;
- Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, давлат стандартларига доир махсус буйруқларни сўзсиз бажариш;
- ёнғиндан муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари берган кўрсатмаларни бажариш, энг асосийси ёнғинга олиб келувчи вазиятларни махсус кучлар томонидан биринчи навбатда бартараф

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

этиш бўйича қилинадиган ишларни бажариш;

-ёнғинни бартараф этиш чора-тадбирларини билиш, қолаверса ёнғинни ўчириш учун биринчи дақиқада бир пиёла, иккинчи дақиқада бир челак сув етарли бўлишини, учинчи дақиқада эса бир цистерна сув ҳам етмай қолиши мумкинлигини ёдда тутиш;

-аҳолининг барча табақасини мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини бажариш бўйича ўргатиб бориш.

Ёнғинга қарши курашда ва уни бартараф этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш катта самара беради:

-ёнғин кенг тус олиб кетмаслиги учун ёнаётган жойнинг теvarак-атрофини сув ва бошқа ёнмайдиган қоришмалар ҳамда моддалар билан совитиб, ёнишига йўл қуймаслик;

-ёнаётган ҳудудни кўпик, кукун, қум, қалин мато ва ҳаво ўтказмайдиган бошқа нарсалар билан ажратиб, яккалаб қуйиш;

-ён-атрофдаги барча тез ёнувчи жиҳозларга, иншоотларга махсус кўпик-кукунли, ишқорли сув сепиш;

-ёниш реакциясини кимёвий йўл билан секинлаштириш.

Ўтни ўчиришни дастлабки усуналари

Ўтни ўчириш усуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механик ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган усуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма усуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа усуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда

ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнғин хавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинадиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;

1 дона карбонат ангидридли ўт ўчиргич;

2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;

2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;

2 та махсус тайёрланган конуссимон челақлар;

2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та қутида қум ва ҳ.к.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, қум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суяқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюиносулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг курук ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

СЕЛ ХАВФИ ВА СУВ ТОШҚИНИ СОДИР БЎЛГАНДА АҲОЛИНИНГ ҲАРАКАТИ

Сел хавфи ва сув тошқини бўлгангача ҳаракат

- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши мумкин бўлган жойларни билиб олинг.
- Қурилиш ишларини фақат давлат органлари рухсати билан олиб боринг.
- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши тўғрисидаги хабарни олгач, газ, электр тармоқларини ўчиринг ва қимматбаҳо буюмларнингизни хавсиз жойларга олиб чиқинг.
- Олдиндан хавфсиз жойларни ва у ерга чиқиш йўлларини белгилаб қўйинг.
- Озиқ – овқат, кийим кечак, дори дормонларни ва қутқарув воситаларини тайёрлаб қўйинг.
- Аввалдан белгилаб қўйилган йўналиш бўйича тезликда хавфсиз жой (тепалик, юқори қават, болохона, том)га чиқинг.
- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олгач, режага асосан ҳаракат қилинг.

Сел ва сув тошқини вақтидаги ҳаракат

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олишингиз билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб чиқиб кетинг.
- Саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тезда баҳолаб, қарор қабул қилгач унга биноан ҳаракат қилинг.

- Сел ва сув тошқини бўлиши мумкин бўлган хавфли майдонларни тезда тарк этинг.
- Сел оқимига тушиб қолсангиз, оқим ҳаракати бўйлаб бурқак остида кирғоққа чиқиб олишга ҳаракат қилинг.
- Гулхан ёқиб, фонар ёки оқ мато ёрдамида ҳалокат сигналини беринг.
- Сув ичида қолсангиз, устки кийим-бошларнингиз ва пойафзалингизни ечиб ташланг, атрофинигиздаги сузувчи воситалардан фойдаланинг.
- Болалар ва кексаларга ёрдам беринг.

Сел ва сув тошқинидан сўнги ҳаракат

- Сел ва сув тошқини бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Болаларга, кексаларга ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.
- Уйингизнинг мустаҳкамлигини синчиклаб текшириб чиқинг.
- Турар жойингиз кум, тош, лойқа билан тўлиб қолган бўлса, тозалаш ишларини ўтказинг.
- Узилган ва осилиб ётган электр симларидан эҳтиёт бўлинг. Сув остида қолган жойлардаги электр таъминотини тезда ўчиринг.
- Озиқ овқат маҳсулотларинининг сифатини текшириб кўринг. Нам тортган маҳсулотларни ва ичимлик сувини тегишли санитар ишловдан ўтказмай туриб истеъмол қилиш қатъиян маън этилади.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий вазифалардан бири бу – фавқулодда вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш йўлларининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқишидир.

Ҳар қандай мақсадда қурилган иншоот ва бинолар(яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини

муҳим жараён деб қараш зарур

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса—мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқиши Боғда жойлашган бино ва иншоотларда хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва каридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган фавқулодда вазиятларнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация пайтида ўзининг мустақил ҳаракатлана олиш нуқтаи-назаридан кишиларнинг ҳолати одамлар оқимини характерлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар муассасалари, касалхоналар, даволаш муассасалари, лицейлар, мактаблар, коллежлар, меҳмонхоналар ва театрларни алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, каватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чикиладиган одамларнинг эҳтимол тугилган энг куп сонидан ва йул қўйиш мумкин булган чегаравий масофадан, одамлар булиши эҳтимоли булган энг узокдаги(ишчи урни) жойдан энг якин эвакуация чиқиш жойигача булган масофадан келиб чикиб аникланади.

Турли хизматлар учун мулжалланган ёнгин хавфи булган, ёнгинга қарши тусиклар билан ажратилган бино қисмлари мустакил эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиш лозим.

Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараёни кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнгин ёки зилзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.

Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охири қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларни юқори қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюль ёки фойе ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Эвакуация йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади. Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар,

дахлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

Чиқинди ва чанг тупланишига мулжалланган бункер остида ёнмайдиган материаллардан утиш йуллари лойихаланиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини технологик лойихалаш меъёрларига асосан портлашга, ёнгинга қарши ва ёниш хавфсизлиги талаблари бўйича қабул қилиш керак.

Бир йуналиш бўйича ҳаракатланаётган кишилар оқим зичлига, ҳаракат тезлиги, ҳаракат интенсивлиги ва йул қисмининг утқизиш қобилияти қаби курсаткичлар билан таърифланувчи одамлар оқимини ташкил этади.

Одамлар оқими зичлиги эвакуация йулида-майдон бирлигида жойлашувчи одамлар миқдорини ташкил этади. Катта ёшдагиларни эвакуация қилишда зичлик 10-12 одам/кв.м ни, укувчиларни эвакуация қилишда 20-25 одам /кв.м ни ташкил этиши мумкин.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йул туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тупланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

-горизонтал йўл учун 15м/дақиқа

-зина орқали пастга 8м/дақиқа

-зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йулидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида утувчи одамлар сонини таърифлайди.

Йул қисмининг утқизиш қобилияти ундан вақт бирлигида утган одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сунг ёнгин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга хавфли омиллари пайдо бўладиган вақтга айтилади.

Битта эвакуация чиқиш жойига эга бўлган хоналар учун ҳамда ҳар бир эвакуация чиқиш жойига одамлар сони 50 кишидан ошмаса ва энг узок иш жойидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофа

25 м дан ошмагани холда эвакуация вакти хисоби ишлаб чикилмайди.

ЭЛЕКТРДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНДА ДАСТЛАБКИ ТЕЗ ЁРДАМ

Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан халос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволдан, юрак уриши ва нафас олишидан хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тиқилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.


Токдан ажратиб олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб халос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасса таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган

бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиб олишингиз мумкин. Бу тадбирларни 1000 вольтдан кам бўлган кучланишли тармоқларда ишловчи ускуналарда қўллаш кўзда тутилган. 1000 вольтдан юқори кучланишли

тармоқлардан жароҳат- ланувчиларни ажратиш учун албатта халоскор қўлига диэлектрик қўлқоп (ток ўтказмайдиган қўлқоп) ва оёғига бўти кийган ҳолда диэлектрик штанга ёки махсус омбир ёрдамида кийимнинг мустаҳкам жойидан ушлаб тортиб ажратиш зарур.



1-расм. Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш.

Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармогидан узиб қўйиш; 4.5.6- занжир таъсиридан одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароқатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни токдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада жароҳатланиш даражасини енгиллатади. Ердан қўл етмайдиган даражада баландроқ жойда электр тармоғига уланиб қолган одамни, юқорида қайд қилинган

тартиблардан бирини қўллаган қолда жароқатланувчи остига ердан 0,5 - 1,0 м баландликда пишиқроқ матодан ёки кенгроқ тикилган устки кийимдан фойдаланиб 2 ёки ундан ортиқ одам ёрдамида чодир тутмоқ лозим. Бунинг оқибатида тоқдан ажратилган қушсиз одамни ерга қаттиқ тушиб жароқатланишидан асраб қолинади.

ЕР СИЛКИНИШИ(ЗИЛЗИЛА) ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожиа бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” қатламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин.

Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг

ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш;
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки, булар инсон ҳаётига хавф солади);
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- Талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайитиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини қуриш;
- Зилзила содир бўлиб қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва хатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш.

Зилзила рўй берганда аҳолининг ҳаракати

Зилзилага қадар бўлган ҳаракат:

- 1) Уйингиз ва ишхонангиздаги энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқлаб қўйинг.
- 2) Энг зарур нарсаларингиз (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, дори қутиси) доимий тайёр ҳолда турсин.
- 3) Электр, газ ва сув тармоқлари беркитгичлари жойлашган ерни ҳамда улардан тезликда фойдаланишни ўрганиб олинг.
- 4) Осма буюмларни маҳкамлаб қўйинг.
- 5) Оғир буюмларни иложи борича полга яқинроқ жойлаштиринг.
- 6) Йўлақлар ва чиқиш йўллари буюмлар билан тўсиб қўйманг.
- 7) Зилзила тугагандан сўнг оила аъзолари йиғилиши лозим бўлган жойни аввалдан шартлашиб олинг.

Зилзила вақтидаги ҳаракат:

- 1) Биринчи қаватда бўлсангиз, тезда бинодан чиқинг, юқоридан кўчиб тушаётган нарсалардан эҳтиёт бўлинг.
- 2) Иккинчи ва ундан юқори қаватларда аввалдан белгилаб қўйилган хавфсиз жойларни эгалланг.
- 3) Дераза, айвон ва печкалардан узоқроқда бўлинг.
- 4) Лифт ва зиналардан фойдаланманг.
- 5) Кўчада қулаб тушиши мумкин бўлган бино, иншоот, баланд девор, электр тармоқларидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.
- 6) Автомобилда кетаётган бўлсангиз, машинани тўхтатинг ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар ташқарига чиқманг.
- 7) Қулаб тушиши мумкин бўлган кўприк, эстакада ва бошқа иншоотларга яқинлашманг.

Зилзиладан сўнгги ҳаракат:

- 1) Саросимага тушмай, хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганлар ва болаларга ёрдам беришга киришинг.
- 2) Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг.

3) Гугурт ёкманг, очик оловдан фойдаланманг.

4) Электр симлари ва уларга тегиб турган буюмлардан эҳтиёт бўлинг.

5) Ёрдамингиз зарур бўлмаса, вайроналарга яқинлашманг.

6) Шикастланган биноларга киришда ва улар ичида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг.

7) Жабрланган ёки вайрона уюмлари остида қолган бўлсангиз, атрофдагиларнинг диққатини ўзингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг. Асло тушкунликка тушманг, сизни албатта қутқариб олишади!

8) Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг.

9) Қайта силкинишларга тайёр турунг, берилаётган ахборотларни кузатиб бориш.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган zilzilalar тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ҳамда сув тошқинлари ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади.

ЁРИТИЛГАНЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Амалиётда иш жойларини ёритишда уч хил кўрнишдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган ҳолда бўлади.

Табиий ёритилганлик қуёшдан, ҳамда еру-самодан қайтаётган қуёш нуридан ҳосил бўлган ёруғлик махсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар қуёшдан келаётган иссиқлик учун 1317 Вт/м⁵ га, ёруғлик учун эса 137000 лк.га тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликларн шундаки, унинг таркибида ута фойдали ультрабинафша ва инфракизил нурлари бор. Бу нурлар муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади, яъни микробларни улдириш хусусиятига эгадир. Табиий ёрутликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар оркали, девордан дераза оркали ва аралаш ҳолдаги тизимлардан фойдаланилади.

Табиий ёритилгаилик тизимларига куйиладиган талаблар куйидагилардан иборат: ёруглик миқдорини бинонинг вазифасига караб танланиши, йуналтирилган ёки таркок холларда булишлигини таъминланиши; инсоляция ва ёруглик меъёрларидан кам булмаслигини таъминланиши ва бошқалар.

Умуман харқандай ёритилганликнинг асосий вазифаси иш жойларига кузатилаётган буюм ва заррачаларни улчамларини хисобга олган холда, куриш аъзоларининг толикмасдан ишлаши учун энг кулай шароитини яратишда хизмат килишдир.

Шу нуктаи назардан сунъий ёруглик табиийсига нисбатан бир оз кимматга тушса-да, иш жойларини ёритиш масаласида чегараланмаган имкониятларга эга.

Сунъий ёруглик умумий, махаллии ва аралаш куринишда бўлади. Умумий ёруглик хонада бир текис ёритилганликни таъминлай олади. Махаллий ёруглик эса факат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлаш учун хизмат килади. Кузга салбий таъсир этиб, бахтсиз ходисларга сабаб булмаслик учун, одатда махаллий ёритилганлик умумийси билан биргаликда кулланилади. Бу холдаги ёритилганлик аралаш усул дейилади ва хоналардаги яркироклик тафовути - контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тула кондиралади.

Ёритилганликни вазифасига караб ишчи ва назорат турларидан ташкари яна фавкуллда зарур холатларда хизмат киладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуация ёритилганликлари дейилади.

Ишчи ёритилганликни вазифаси иш бажарилаётган жойларда ишчиларнинг иш жараёнида меҳнат буюмлари ва курулларни кузларида ҳеч қандай зуриқишсиз, енгил кура олиш имконини, яратишдан иборатдир. Бунинг учун епик муҳитдаги иш жойини санитария талаблари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган холда яратилган СНиП II. 4-79 дан тугри фойдаланиш қифоядир. ГОСТ 12.046-85 га асосан қурилиш майдонларида умумий ишчи ёритилганлик 2 люксдан кам булмаслиги керак.

Ёритганликни назорат тури, киймат жихатидан 2 люксдан ошмаслиги керак ва у асосан тун коронгусида бирор мухит ёки чегарани назорат қилиб туриш учун хизмат қилади;

Ёритилганликни учинчи - авария турини захира сифатида фавкулотда асосий ишчи ёритилганлик элэктр тармоги ишдан чиқиб қолганда ишни тухтаб қалмаслигини таъминлаш учун ёки тармоқдаги таъмир ишларини тезда бажариш мақсади учун лойихалаштирилади. Бунда ёритилганлик миқдори асосий ишчи ёритилганликни 10 фоизини ташкил қилиши ёки пол юзасида 1 люксдан кам бўлмаслиги шартдир.

Эвакуация ёритилганлиги асосан одамлар серкатнов йулакларда ва эвакуация йуллари бўйлаб урнатилиш зарур. Унинг миқдори бино ичида 0.5 люксдан, ташқарида эса 0.2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Очиқ майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаш

Мисол тариқасида очиқ майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз

Очиқ майдонни сунъий ёритиш учун зарур ёритгичлар сонини аниқлаш талаб қилинади.

Ер сатҳини ёритиш меъёри - $E = 2$ лк; Ёритиш майдони - 40×50 м; Прожектор тури - ПЭС-45; Лампа қуввати - $P_{\text{л}} = 1000$ Вт.

Қувватни аниқлаш усулидан, прожекторлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

бу ерда: - битта лампанинг солиштирма қуввати;

S - ёритилаётган майдон, ;

$P_{\text{л}}$ - битта лампанинг қуввати, Вт;

K_z - захира коэффиценти, 1,5...1,7;

E_n - ёритиш меъёри, 2 лк.

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси: «СамДАҚИ қошидаги соғломлаштириш биноси таркибида флористика қурилмасининг дизайн ечими»

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (ҳудуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;
2. Ҳудуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;
3. Ҳудуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;
4. Ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;
5. Ҳудуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;
6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;
7. Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;
8. Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;
9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;
10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;
11. Объект қурилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (ҳудуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

Лойиха қилинаётган объект Самарканд шаҳрида жойлашган.

Қурилиш майдони қуйидаги корхоналар билан чегараланган:

- шимолдан кўп қаватли турар жой биноси;

- шарқдан омборхона;

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

-гарбдан омборлар;

-жанубдан ТТЖ биноси.

Объектдан маълум бир масофада ТТЖ ва Фаоллар зали биноси жойлашган.

Иклим шароити кескин континентал иссик, курук, ёз ойлари ва совук киш ойларидан иборат. Иссик ёз ойларининг уртача харорати -33,3 С, совук январь ойларининг уртача харорати -3,0 С ни ташкил килади. Ёгинкарчилик миқдори 350мм, шамолнинг уртача тезлиги 2,0 м/сек, йуналиши шарк, жануби-шарк.

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха қилинаётган объект жойлашадиган район таълим муассасалар ва таълим олишга ихтисослаштирилган.

Қурилиш майдонига яқин корхоналар лабараториялар, ўқув бинолари.

Бу корхоналардан атроф-муҳитга қуйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади: қолдиқ маҳсулотлар, ҳар хил чиқиндилар.

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, қимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг қимёвий ифлосланиши: ернинг меролатив ҳолати қоникарли.

Автомобил транспортларидан қуйидаги ёқилғи қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: Углерод, азот оксидлари, нефт маҳсулотлар қолдиқлари ва углеводородлар.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки қатлами гил, тупроқ, учинчи қатлам карбонатли қумдан иборат.

Ер ости сувлари 10-16 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли қайишқоқликга эга. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

Қурилиш майдонига яқин жойдан ер устки сув хавзаси оқиб ўтмайди.

4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, қучли эрозия қузатилмаган.

Қўп йиллик ўсимликлардан мева-дарактлар,

узум, маданий манзарали дарахтлар (арча,кайин,каштан) коникарли ҳолатда.

Курилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикада учрайдиган кўпчилик касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар ошқозон-ичак тракси бўйича юқори фоизга ега. Сабаби ер ости сувларининг каттиклиги юқори.

5.Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер остки ва ер устки сув хавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати коникарли, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар қузатилмади.

6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойихаси бўйича ушбу бино Самарқанд шаҳрида қурилиши режалаштирилган.

Объект бўйича батафсил маълумот йиғма-темир битон конструкциялари ғишт девор.

Объект пойдевори лентали бетон плита, девори темир-битон, том ёпма темир-плита. Ер ишлари ҳажми: $W_{ер} = 280м^3$, монтаж ишлари $W_{мон} = 780м^3$.

Қурилишга ишлатиладиган материаллар, элементлар, техникалар маркаси.

Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси бетон, блок, темир-бетон, плита ва х.к.

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Қурилиш майдони ўлчамларини аниқлаш:

- Пойдеворлар учун завор қозиш;
- Пойдеворлар тагидаги заминни мустақамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини қўтариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр, сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўтқизиш;

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

-Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони $\Phi_{\text{ум}} = 2000\text{м}^2$, шундан, кўкаламзорлаштирилган майдон $\Phi_{\text{зел.н}} = 1815\text{м}^2$, қурилиш эгаллаган майдон $\Phi_{\text{стр}} = 1006\text{м}^2$, каттик копламали (асфалтланган, плитка ётқизилган ва х.к.) майдон $\Phi_{\text{сп}}=1200$

Объект қурилишида лойиха қилинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуқтаи назаридан такқослаш (масалан, бино томи ёпилмаси лойихада профнастилдан қурилиши кўзда тутилган. Алтернатив вариант-шифердан. Такқослаш: проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди, ранглаш талаб қилинмайди, енгил, монтаж ишлари анча тезлашади. Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади. Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор. Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб, атроф-муҳитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи асосий манбалар;

-фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини қурилишга олиш.

-қурилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;

-ер қазиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда зарарли ёкилги қолдиқ моддалари ва ҳар хил қанглар ташланади. Ундан ташқари транспорт воситалари шовкин манбаи.

-қурилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва оқава чиқазиш;

-қурилишда ҳар хил кимёвий лок-буёқ моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;

-қурилиш давомида кўп миқдорда каттик чиқиндилар (гишт синиклари, бетон қолдиқлари, қурилиш буюмлари қолдилари) ҳосил бўлади.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

а) фойдаланиладиган ер майдони бино курилиши $\Phi_{сп}=540$

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинадиган тоза сув микдорлари ва оқава сувлар.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармогидан олинадиган сув асосан ичимлик-хўжалик, ёнгинни ўчириш ва ховли ва кўчаларни санитар ҳолатини талаб даражада саклаш, дарахт ва кўкаламзорларни сугориш мақсадида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинадиган сувнинг микдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий микдорлари 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида шаҳар сув таъминоти тармогидан келтирилади. Курилиш тугагач бу бино ҳам шу тармоқка уланади.

Объект томонидан фойдаланишга олинадиган сувнинг кунлик микдорлари

1.1-жадвал

Тартиб раками	Истеъмолчи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сув меъёри, л/сут	Сув сарфи, М ³ /сут
1	Укувчилар	киши	96	200	19.200
2	Укитувчилар	киши	65	11.5	0.7475
3	Ошхона	шарт. Овка	200	16	3.2
4	Спорт зали	спортсмен	70	100	7
5	Стадион	м ²	1800	3	5.4
6	Лаборатория	асбоб	160	224	35.84
	Жами				19.2
7	Кўшимча сарф	%	10		1.92
	Хаммаси				21.12

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Объект курилишига сарфланадиган сув микдорини аниклаш

4.2.-жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Солиш тирма сув меъёри, л	Сув микдори, М ³
Бетон коришмасини тайёрлаш	М ³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М ³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М ³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтровка учун сувок коришмасини тайёрлаш	М ³	210	200	42
	М ³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи, киши х кун	киши х кун	1600	15	24
киши х 200 кун х 15 л				
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат стандартлари талабларига жавоб бермаса, консентрасияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга кўйиладиган талаблар. Бинода пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меърий кунлик микдори 7.7м³,

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

йиллик микдори эса 2310м^3 ни ташкил килади. Бу оқаваларнинг таркиби асосан кум, муаллак моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оқаваларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/киши-сут, хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оқавалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оқавалар бетон ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга элтиб оқизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш, ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

$$\text{Ер ишларини бажаришда} = P_1 * P_2 * P_3 * P_4 * G * 10^6 / 3600, \text{г/с.}$$

P_1 -тўпрокнинг чангланиши фракцияси $P_1=0.05$

P_2 -аэрозал куринишда ўтадиган чанг фракцияси $P_2=0.03$

P_3 -иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_3=1.0$

P_4 -тўпрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_4=0.7$

G-ер иши микдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ҳовзасига зарарли моддалар деярли чиқмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик коммуникацияларини мантаж қилиш, тамирлаш пайтларида кам микдорда ноорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан –пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO_2 . ва қранли автомобилар ис гази, азод оксиди, курум ва ҳақозалар ҳавога ажралиб чиқиши мумкин, Бу моддаларнинг ҳавога чиқиш микдори шунчалик қамқи, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг микдорини қамайтириш мақсадида тез-тез тупроқ намлантирилиб турилади ва техник сув ҳисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёқи сувни ўтқазиш пайтида энг кўпи билан 5 кг

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

АНО – 4 маркали электрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади. Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди ҳавога чиарилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ер ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори санитар – экологик талабларни қаноатлантиради.

д) қурилиш ҳам ашё материалларини ортиш-тушириш ва сақлаш давомида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум, шағал-неорганик қанг

-цемент-цемент қанги

-гишт-неорганик қанг

$$Q=L \times B \times g/100, \text{ т/йил}$$

Бу ерда L-ҳом ашё материалларининг қанг кўринишида йўқотилиши фоиз ҳисобида $L=0.21$

B-сақланаётган, ортиладиган-тушириладиган кум, шағал, цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўқолиши меъёри, % $g=0.15$

е) каттик чиқиндилар миқдорини аниқлаш, уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Бино фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик маиший чиқиндиларнинг умимий йиллик меъёрий миқдори 3.4 ёки 17.65 м^3 ни ташкил қилади. Бу чиқиндилар инерт чиқиндилар бўлиб, бинонинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м баландликдаги девор билан ўралган махсус ҳудуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган ҳажми 1.2 м^3 бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва шартнома асосида туман ободончилик қорхонасига топширилади; -қурилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чиқиндилар миқдори 6.1-жадвалда келтирилган.

Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чиқиндилари

6.1-жадвал

Тартиб рақами	Чиқиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр, %	Махс.ми.тн.	Чиқинди
1	гишт синкилари	Тонна	0.5	24	0.12
2	Бетон ва қоришма	Тонна	13	130	16.9
3	Ёоч чиқиндилар	М³	1.5	12	0.18
4	Халталар	Тонна	0.6	0.8	0.048
5	Металл чиқиндилар	Тонна	0.5	180	0.9
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1	1.0	0.01
	Жами				18.158
	Маиший каттик чиқиндилар				
7	Ишчилар	Киши	0.083	25	2.0.75
8	Супринди	Кг/м² кун	0.021	540	11.34
	Жами			13.415	43.655
	хаммаси			31.573	61.9086

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

Объектнинг курилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум,шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли курилиш материалининг тўқилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Курилиш материалларини сақлаш, ташиш ва транспорт воситалардан қутилмаганда тўқилиши.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Бу ҳолатда атроф муҳитга катта миқдорда ноорганик чанг ёки цемент чанги ажралиб чиқади. Бу ҳолат вақтинчалик.

9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

Бино қурилиши атроф-муҳитга таъсир этиши хавфлилик категорияси бўйича 4-тоифага мансуб. (паст таъсир)

10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;

Ер ва монтаж ишларини бажариш, қурилиш материалларини ташиш, саклаш вақтида техника хавфсизлиги ва қурилиш меъёрига эътибор бериш зарур.

Мазкур спорт залини қуриш, жихозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

-Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули қўлланилади;

-Қурилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;

-Инженерлик коммуникация тармоқлари хизмат кўрсатиш учун тиббий кўрикдан ўтган, қудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

11. Объект қурилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш;

Бино таъмирланишидан сўнг қурилиш билан боғлиқ ишлар тугайди. Бино атрофи ободонлаштириш ва ҳудуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир қўрсатмайди. Майда таъмирлаш ишлари режа бўйича амалга оширилади.

ХУЛОСА

Институтлар ландшафтини ёки интерьерларини ёки бўлмаса ҳудудларини лойиҳалаш жараёнида тасаввуримиздаги ғояларни қоғозга тушириш мумкин. Балки яқин келажакда бу лойиҳаларимиз ҳаётга йўлланма берилса ажабмас.

Институт ва шу каби ўқув масканларини лойиҳалаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда ҳар бир талаба, домла, ходим ақлий меҳнат билан шуғулланиб маданий дам олдишга вақт етишмайди. Шунинг учун ижодкор инсонларга яхши муҳит яратиш бу атроф-муҳитни кўкаламлар, декоратив дарахт, буталар, гуллар билан безаш, керакли жойларга ҳайкалтарошлик намуналаридан лойиҳалаштирилса, уларнинг фаолиятлари янада жўшқинлик касб этган бўларди. Негаки, бу ерда минглаб ёшлар ўқиш мобайнида ҳар кадамда гўзалликка дуч келса, уларнинг кайфияти янада кўтарилиб илҳом билан янада яхши лойиҳалар бажаришга қодир бўладилар.

Флористика талаблари, ландшафт архитектураси қонун-қоидаларидан фойдаланиб, факультет ҳамда ТТЖ атрофини янада гўзаллаштириш бу барча бўлажак архитектор ва дизайнерларнинг орзуси ҳисобланади.

Ландшафт архитектураси ва дизайни кейинги йилларда кенг урф бўлмоқда. Ҳозирда бизнинг диёримизда қурилаётган янгидан-янги бинолар атрофи, янги боғлар, парк ва хиёбонлар ландшафт архитектори ёки дизайнерларсиз гўзал ва тартибли кўринишга эга бўлмайди.

Ёшларни гўзалликка ошно қишининг оддий ва синалган йўли уларнинг муҳитини гўзал қилиш, атрофидаги буюм, жиҳозлар, деворлар, муҳитини ҳам чиройли ва мазмунли бўлишини таъминлаш ва танлаш энг муҳим масала.

Ташқи муҳитда фойдаланиладиган фовворалар, декоратив хавзалар, скамейкалар, ахлат қутилари, гултуваклар, кечки ёритиш чироқлари, реклама қурилмалари, стендлар каби мужаз архитектура формалари ҳамда формовка қилинган табиий ўсимликлар, яшил деворлар, бордюрлар, клумбалар, рабаткалар, миксбордерлар ва б. Бино ва иморатларни табиат билан уйғунлаштирувчи воситалар кишиларга ҳузур бахш этади.

Ташқи муҳитни, шаҳар ва бинолар атрофи муҳитини, уларнинг ички муҳитларига композицион жиҳатдан бир бутунлик кашф этувчи Ландшафт архитектураси ва Ландшафт дизайнининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sattarova K.D., Tolipov M.A. Landshaft dizayni va floristika. T., TAQI, 2014.
2. Саттарова К.Д. Декоративная дендрология и цветоводство. Т., ТАСИ, 2010
3. Isamuxamedova D.U., Adilova L.A. Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasini. Darslik 1-2 qism, T., TAQI, 2009

1. Ландшафтное проектирование. Вергунова А.П., М., Стройиздат, 1990.
2. http://Vwww.naflib.uz/rus/calendar_2006.pdf- Национальная Библиотека Узбекистана
3. <http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml> - arxitekturnaya ensiklopediya

Internet saytlari

1. www. http: Landscape design. Ru
2. www. http: Gardener. Ru
1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1992 й.
2. “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низом” Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001 й.
3. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1996 й.
4. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1993 й.
5. Кирсанов Н.М. Альбомы конструкции всяких покрытий. «Издательство» Высшая школа, 1981 г.
6. Қудратов О., Ғаниев Т. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги. Тошкент “Меҳнат”, 2004 й.
7. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) – 02.04.02-97. Сув таъминоти, ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.
8. ҚМҚ 2.01.03-96. Зилзилавий ҳудудларни қуриш. Тошкент, 1996 й.
9. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.

10. ҚМҚ 02.04.01-97. Бино ва иншоотлари шахобчаларининг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997 й.
11. www.arx.ru
12. www.hotelchg.ru
13. www.novate.ru
14. www.google.ru